Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 29-may, payshanba № 65 (3414)

Иқтисодий ҳамкорлик — давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг, одамлар тинчлиги ва фаровонлигининг асосий омили.

**Ислом КАРИМОВ**

## Ўзбекистон – Латвия:

# Ишончли ҳамкорликнинг юксак самаралари

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш 27 май куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Ташрифнинг асосий тадбирлари 28 май куни бўлиб ўтди. Кўксарой қароргоҳида Латвия Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Андрис Берзиньш шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Латвиянинг давлат мадҳиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Президентлар тор доирадаги суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этдилар, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Латвияни кўп йиллик ҳамкорлик ва мустаҳкам дўстлик ришталари боғлаб туришини, ушбу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчиллигининг яна бир ифодаси эканини таъкидлади.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар мустақиллик йилларида шаклланган ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ижобий тажрибасига таянади. Латвия делегациясининг ушбу ташрифи ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқлиликка асосланган шериклик муносабатларимиз ривожида муҳим воқеа, олий даражадаги доимий сиёсий мулоқотларнинг мантиқий давомидир, — деди Ўзбекистон раҳбари.

Андрис Берзиньш Латвия Ўзбекистонга улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат, вақт синовидан ўтган ишончли ҳамкор сифатида қарашини қайд этди.

— Давлатларимиз ўртасидаги алоқалар кенг кўламли ва мустаҳкам. Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги хизматларини, ўзаро ҳамкорлигимиз ва халқаро ҳаётда рўй бераётган жараёнларга оид қарашларини юксак қадрлаймиз, — деди Латвия Президенти.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. 1992 йилда Ўзбекистон ва Латвия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён ўзаро ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларига оид қирқдан ортиқ давлатлараро, ҳукуматлараро, идоралараро шартнома ва битимлар имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил октябр ойида Латвияга давлат ташрифи ўзаро алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Мазкур ташриф чоғида соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт ва юклар транзити, савдо алоқаларини кенгайтириш, туризм ва инвестициявий ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Парламентлараро ҳамкорлик қонун ижодкорлиги борасида яхши самара бермоқда. 2010 йилда Латвия Сеймида таъсис этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ ҳамда 2012 йилда Ўзбекистон парламентида ташкил қилинган Латвия Сейми билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ ўзаро тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Икки мамлакат ички ишлар ва ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида конструктив маслаҳатлашувлар амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги масофа анча узоқлигига қарамай, кўплаб соҳаларда яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Иқтисодиёт, савдо ва саноат соҳаларида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган. Инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олишга оид келишувлар амал қилмоқда.

Латвия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги йирик савдо ҳамкорларидан биридир. Ўзбекистон Латвияга юқори сифатли пахта толаси, мева-сабзавотлар, қайта ишланган нефт маҳсулотлари, минерал ўғитлар, рангли металл ва бошқа товарлар экспорт қилади. Латвия мамлакатимизга ускуналар, транспорт воситалари, денгиз маҳсулотлари, пластмасса етказиб беради, логистика хизмати кўрсатади. 2013 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 250 миллион АҚШ долларини ташкил этган.

Жорий йилнинг апрел ойида Рига шаҳрида Ўзбекистон савдо уйи очилди. Савдо уйига мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари, қуритилган мевалар етказиб берилмоқда. Ўтган қисқа вақт мобайнида мазкур савдо уйи орқали қиймати 30 миллион АҚШ долларидан зиёд шартномалар тузилган.

Юқори даражадаги учрашув ва мулоқотлар, бизнес-форумлар муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 16-17 апрел кунлари Латвия пойтахтида ўтказилган Иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ҳамда ишбилармон доираларнинг қўшма бизнес-форуми савдо-иқтисодий алоқалар мустаҳкамланишида яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзаро инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Ўтган йилнинг кузида мамлакатларимиз ҳамкорлигида 343 қўшма корхона фаолият юритган бўлса, бугуни кунда уларнинг сони 392 тага етган.

Транспорт соҳаси Ўзбекистон ва Латвия ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан. Икки мамлакат Евроосиё транзит йўлагининг муҳим қисмларини ташкил этади. Ўзбекистоннинг ташқи савдо юклари Европа давлатларига Латвия порт-лари орқали етказиб берилмоқда. 2013 йилда темир йўл юклари ташиш ҳажми 146 минг тоннадан ошган. Мамлакатларимиз минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқиш мақсадида амалдаги транспорт йўлаклари рақобатбардошлигини ошириш, бунинг учун мавжуд транзит салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланишга алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Миллий авиакомпаниялар ўртасидаги алоқалар икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Ўн йил олдин йўлга қўйилган Тошкент — Рига — Нью-Йорк ҳамда Нью-Йорк — Рига — Тошкент авиақатнови мамлакатларимизни боғлаб турибди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш тарафдори эканини билдирдилар. Ислом Каримов Латвия Республикасига 2015 йилнинг биринчи ярмида Европа Иттифоқига раислик қилишда муваффақият тилаб, Марказий Осиё мавзуси Латвия раислигининг устувор йўналишлари қаторига киритилганини юқори баҳолади.

Музокаралар чоғида терроризм, экстремизм, наркотрафик каби таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда курашишга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу соҳада 2002 йилда имзоланган Уюшган жиноятчилик, терроризм, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда ҳамкорликка оид битимга мувофиқ тузилган Ўзбекистон — Латвия қўшма комиссияси муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди.

Президентлар минтақада барқарорлик ва хавфсизлик таъминланишидан, Афғонистондаги вазият халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлаши ва кўмагида тартибга солинишидан манфаатдор эканликларини таъкидладилар. Латвия томони Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди.

Ўзбекистон ва Латвия қишлоқ хўжалиги, фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорлик бўйича ҳам улкан салоҳиятга эга. Икки мамлакат вакиллари ва ишбилармон доираларининг доимий алоқалари самарасида бу соҳаларда кўплаб қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Томонлар туризм соҳасидаги ҳамкорликка катта қизиқиш билан қарайди. Латвияда Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз каби қадимий ва навқирон шаҳарларимизни келиб кўришни хоҳловчилар кўп. Мамлакатимиздан Болтиқбўйидаги дам олиш масканларига борувчилар сафи ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. Соҳага ишбилармонларни жалб этиш, саёҳатчиларга янада қулайлик яратиш икки томон учун ҳам фойдалидир.

Маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. 2004 йилда Рига шаҳрида буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек, 2006 йилда машҳур аллома Абу Али ибн Сино ҳайкаллари ўрнатилиши латвияликларнинг халқимизга, улуғ аждодларимизга ва бой меросимизга юксак ҳурмат-эҳтиромининг яққол ифодаси бўлди.

Тошкент ва Рига биродарлашган шаҳарлар. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театри ҳамда Латвия миллий операси ўртасида ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Икки мамлакатнинг фолклор жамоалари, фото ва тасвирий санъат усталари Ўзбекистон ва Латвияда ўтказилаётган турли маданий тадбирларда иштирок этмоқда. Латвия санъаткорлари Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келади.

Таълим соҳаси ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидандир. Латвияда 370 нафардан ортиқ ўзбекистонлик йигит-қиз таҳсил олмоқда. Техника ва муҳандислик ихтисосликлари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш борасида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу алоқалар Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Латвия Таълим ва илм-фан вазирлиги ўртасида имзоланган Таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида изчил ривожланмоқда.

Давлат раҳбарлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларни ҳал этиш борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканини таъкидладилар.

Томонлар Марказий Осиё трансчегаравий дарёларининг сув ресурсларидан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича конвенцияси (1992 йил, Хелсинки), Халқаро очиқ сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенциясидан (1997 йил, Нью-Йорк) келиб чиқиб, минтақанинг барча давлатлари манфаатларини инобатга олган ҳолда, оқилона ва адолатли фойдаланиш лозимлигини қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари минтақанинг трансчегаравий дарёларида йирик гидроэнергетика иншоотларини қуриш уларнинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий хавфсизликка таъсири бўйича мажбурий объектив халқаро экспертиза ўтказилганидан сўнггина амалга оширилиши зарурлиги ҳақидаги Европа Иттифоқи позициясини қўллаб-қувватладилар.

Кўксарой қароргоҳидаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Шунингдек, Дипломатик паспорт эгаларининг ўзаро визасиз сафарлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида ҳамкорлик ҳақидаги меморандум, 2014-2016 йилларга мўлжалланган Маданий ҳамкорлик дастурига оид ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда икки давлат раҳбарлари музокаралар ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Латвия муносабатларини янада ривожлантириш ва икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар. Томонлар кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан ёндашув ва позициялари ўхшаш ва яқин эканлигини қайд этди.

Давлат раҳбарлари бундай мулоқотларни изчил давом эттириш, барча соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришдан икки томон ҳам манфаатдор эканини билдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Андрис Берзиньш Ўзбекистон ва Латвия ишбилармон доиралари вакилларининг бизнес-форумида иштирок этди.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизнинг бош майдонида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди.

Латвия раҳбари Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб экспонатларни томоша қилди.

Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири**

## «Баркамол авлод — 2014»

# Ёшлар қалби ва қуёш қўридан порлаган машъала

***«Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларининг рамзий машъаласини қўлда тутган спортчилар кортежи даставвал водий остонаси бўлмиш Поп туманида кутиб олинди. Тумандаги транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи ҳамда 7-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида спортчиларни тантанали кутиб олиш маросими ўтказилди. Унда туман ҳокими Б.Раҳмонов иштирок этиб, спорт мусобақаларининг ҳар бир иштирокчисига омад тилади.***

Шундан сўнг автокортеж йўлда давом этиб, Чуст тумани ҳудудига кириб келди. Бу ерда ҳам спортчиларга карнай-сурнай, ноғора садолари остида пешвоз чиқилди. Мавлоно Лутфуллоҳ номидаги туман маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган анжуманда туман ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Х.Бозоров иштирокчиларни қутлади. Маданий-маърифий тадбирда ҳозир бўлган ўқувчи ёшлар, нуронийлар ҳамда аҳолининг турли қатламлари санъат усталари томонидан намойиш этилган концерт дастурини томоша қилиб ҳордиқ чиқаришди.

Тантанали маросимда ёш спортчилар номидан сўзга чиққан вилоят стол тенниси бўйича терма жамоа аъзоси, Чуст педагогика ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Дилафрўз Жумаева юртимизда спортга бўлган эътиборнинг нечоғлик юксак эканлигини таъкидлаб, шундай дейди:

— Мен шаҳардаги 2-умумтаълим мактабида ўқиб юрган пайтларимдан бошлаб стол тенниси билан шуғулланиб келаман. Туман, вилоят, республика миқёсидаги турнир ва мусобақаларда қатнашиб, уч карра Ўзбекистон чемпиони, «Камолот маликаси — 2010» мусобақаси ғолиби бўлдим. Жорий йил мен учун омадли келди. Стол тенниси бўйича 1995 йилда туғилган ва ундан кичик ёшлар орасида республика биринчилигида зафар қучдим. Бу ютуғим туфайли олий таълим муассасасига имтиёзли равишда қабул қилиниш ҳуқуқини берувчи махсус сертификатни қўлга киритдим.

«Баркамол авлод — 2014» мусобақаларининг финал босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифа зиммамизда эканлиги қалбимни фахрга тўлдиради.

— Осойишта элга байрамлар ярашади, — деди чустлик меҳнат фахрийси, 85 ёшли Шарифжон ота Сиддиқов йиғилганларга қарата. — Вилоятимизда бошланаётган байрамни спорт беллашуви дейишнинг ўзи камлик қилади. Бу ҳамдамлик,ҳамфикрлик байрами, бахтиёрлик тантанасидир. Қанча-қанча халқлар таҳлика ичида яшаётган бир пайтда бизнинг ёшларимиз саломатлик баҳсларига киришмоқда. Уларнинг ниятлари пок, орзулари юксак. Бундай авлод билан ҳар қанча фахрланса, арзийди. Машъалани тоғортидан вилоятимизга келтирган бу шижоатли ёшларни кўриб, очиғи, ҳавасим келди. Қалби қўлидаги машъала сингари қайноқ фарзандларимизнинг умри зиёда бўлсин. «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг ҳар бир иштирокчисига омад ёр, Тангри мададкор бўлсин!

# МЕҲМОНДЎСТ НАМАНГАН СПОРТЧИЛАРГА ҚУЧОҚ ОЧДИ

***Олтин водий марвариди бўлмиш Наманган бугун ўзгача руҳ, кўтаринки кайфият оғушида. Ёшлик, шижоат ва нафосат ифорини қутлуғ қадамидан-да аввал олиб келган «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларига мезбонлик қилиш шарафи насиб қилганидан барча-барча ўзини бахтиёр ҳис этмоқда. Аслида, бу туйғу аҳли Наманган учун янгилик эмас. Меҳмондўстлик борасида ном қозонган наманганликлар бу сафар ҳам ҳар бир иштирокчи қалбида ўзгача таассурот қолдиришга, ўтказилаётган «Баркамол авлод» ўйинларининг тарих зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан битилишига ишончлари комил.***

Бемалол айтиш мумкинки, тайёргарлик ишлари юксак даражада амалга оширилди. Таъмирлаш, қайта қуриш, ободонлаштириш ишларида наманганликларнинг яратувчилик салоҳияти яна бир бор намоён бўлди. Мусобақалар олдидан «Ёшлар маркази»да ташкил этилган матбуот анжуманида шу ҳақда фикр юритилди, мусобақа мутасаддилари ОАВ вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

(Давоми 4-саҳифада).

# Қўшма комиссия мажлиси

***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида Уюшган жиноятчилик, терроризм, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Латвия қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Тадбирда икки мамлакатнинг ички ва ташқи ишлар, хавфсизлик, соғлиқни сақлаш, божхона каби соҳаларга оид вазирлик ҳамда идоралари раҳбар ва вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, қўшма комиссия ҳамраиси Р.Маматов Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада).

***Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 28 май куни Ўзбекистон ва Латвия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.***

# Ўзбекистон — Латвия бизнес-форуми

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, ёқилғи-энергетика, машинасозлик, авиаташув, қурилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мебелсозлик, меъморчилик, фармацевтика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, божхона, суғурта, экспорт-импорт, алоқа, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва фан-таълим каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ушбу бизнес-форум мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоявий ва ижтимоий йўналишлардаги ҳамкорликни янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорликни барча соҳаларда изчил ривожлантириш тарафдори эканини, бунинг учун ҳар икки давлатда ҳам салоҳият ва имкониятлар катта эканини қайд этди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 29-may № 65 (3414)

# Қўшма комиссия мажлиси

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Мамлакатимизда халқаро терроризм, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи ва одам савдосига қарши курашиш соҳасида зарур меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилган, ташкилий инфратузилма яратилган. Бу борадаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2002 йилда Ўзбекистон ва Латвия ўртасида имзоланган Уюшган жиноятчилик, терроризм, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда ҳамкорликка оид битим ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

— Ўзбекистон ҳар томонлама истиқболли мамлакат, — деди Латвия Республикаси ички ишлар вазирлигининг парламент котиби, қўшма комиссия ҳамраиси Эвика Силиня. — Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларимиз барча соҳалар қатори уюшган жиноятчиликнинг турли кўринишларига қарши курашиш борасида ҳам изчил ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, қатор соҳаларда мунтазам равишда фикр ва тажриба алмашиш ниятидамиз.

Мажлисда уюшган жиноятчилик, терроризм, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланиши, одам савдоси каби таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда курашиш, ахборот хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Латвия делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида учрашув ўтказди. Унда ҳуқуқ-тартибот, хусусан, наркотик воситаларнинг ноқонуний айланиши ва одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликка оид долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказида ҳам учрашувлар бўлиб ўтди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбирлари**

# Ўзбекистон — Латвия бизнес-форуми

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Латвия — Ўзбекистоннинг Европа минтақасидаги муҳим ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Савдо-саноат, сармоя, солиқ, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сайёҳлик, стандартлаштириш, маданият, фан-таълим каби кўплаб соҳалар бўйича ҳамкорликка оид битимлар имзоланган. Савдо, иқтисодиёт ва саноат соҳасида Ўзбекистон билан Латвия ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётган иқтисодиёти, бизнес юритиш учун яратилган кенг имкониятлар ва имтиёзлар, қонун билан кафолатланган преференциялар ҳамда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик омиллари чет эллик бизнесменларнинг, жумладан, латвиялик ишбилармонларнинг мамлакатимиз билан фаол ҳамкорлик қилишга қизиқишини тобора оширмоқда.

Ўзбекистон ва Латвиянинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. 2013 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш қарийб 250 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокида тузилган 21 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар мебелсозлик, нефтни қайта ишлаш, полиграфия, транспорт ва логистика, улгуржи савдо ва хизмат кўрсатиш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларга ихтисослашган. Юртимизда ушбу мамлакатнинг 19 етакчи компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Форумда Латвия ишбилармонларига мамлакатимизда иқтисодиётни муттасил ривожлантириш йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни равнақ топтириш омиллари, молиявий тизимни барқарор тараққий эттириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, «Навоий», «Жиззах» ва «Ангрен» индустриал зоналаридаги қулайлик ва имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди. Меҳмонлар Ўзбекистоннинг нефт-газ, кончилик, сайёҳлик, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги салоҳияти билан танишди. Латвиянинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва сармоявий муҳити ҳақида сўз юритилди.

Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик ялпи ички маҳсулотнинг мунтазам ўсишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

— Ўзбекистон — Латвиянинг Марказий Осиёдаги ишончли ҳамкорларидан, — деди Латвия Республикаси иқтисодиёт вазири Вячеслав Домбровский. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси мунтазам ўсиб бормоқда. Латвияда ўзбекистонлик сармоядорлар иштирокида тузилган қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Икки мамлакат ўртасида мунтазам амалга оширилаётган авиақатнов сайёҳлик соҳасидаги истиқболли ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Латвия Ўзбекистон билан бошқа соҳалар қатори таълим жабҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор.

Бизнес-форумда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, транспорт ва логистика, банк сектори, ахборот-коммуникация технологиялари, саноат, сайёҳлик, озиқ-овқат, енгил саноат, тўқимачилик ва фан-таълим соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Латвия ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Анжуманда Латвиянинг қатор йирик компанияларидан юзга яқин вакил иштирок этганининг ўзиёқ ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши катта эканидан далолатдир. «LDZ Cargo», «Astra Logistic», «Ave Trans Group», «BAO», «HCT Automotive», «IMC Scrapers EAME», «Baltbio», «Travel Agency Spare», «Tonus Elast», «Lauma Fabrics», «A&A Logistic» каби компаниялар вакиллари Ўзбекистон бозоридаги ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш ниятида эканини қайд этди.

— Компаниямиз тўқимачилик саноатида фаолият юритади, — деди «Nikol Djumon» компанияси раиси Николай Бирюков. — Ўзбекистон бозори ғоят истиқболли экани билан бизга манзур бўлмоқда. Ўзбекистонда аёллар кийимкечаги ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона ташкил этиш ниятидамиз.

Бизнес-форум доирасида таълим, енгил саноат, тўқимачилик, экспортни қўллаб-қувватлаш ва коммунал соҳаларда ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Шу куни Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Латвия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган бир қатор товарларни экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилди.

Меҳмонлар «General Motors Powertrain Uzbekistan» ва «Rieter Uzbekistan» корхоналари фаолияти билан танишди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси кенгайтирилган йиғилиши ҳамда «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий, тиббий маданиятини оширишда ижтимоий ҳамкорликнинг самарали йўллари» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.***

# Ҳимояланган аёл — ҳимояланган жамият демакдир

**БАРЧА АЁЛЛАР ҚАҲРАМОН**

— Муҳтарам Юртбошимизнинг Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан биз аёлларга йўллаган табрикларидаги «Ҳам давлат хизматини, ҳам жамоат ишини, ҳам оила ва рўзғор юмушларини, ҳам фарзанд тарбиясини қойил қилиб бажариб келаётган барча-барча аёлларни қаҳрамон деб айтган бўлардим», деган эътирофлари барча аёлларнинг қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдиргани аниқ, — деди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Муяссар Раҳимова. — Мамлакатимизда хотин-қизларга яратилаётган шарт-шароитлар, имтиёз ва имкониятларни ҳар қанча эътироф қилсак арзийди. 2014 йилга Соғлом бола йили деб ном берилиши ва Давлат дастури қабул қилиниши муносабати билан аёлларга эътибор янада оширилди. Боиси, соғлом фарзандни соғлом аёл дунёга келтиради. Жадал суръатларда ривожланиб бораётган давр, глобаллашув жараёни ва бошқа бир қатор омиллар аёлларнинг сиёсий билимларини мустаҳкамлашни, ижтимоий фаоллигини оширишни тақозо қилмоқда. Бу эса касаба уюшмалари олдига ҳам бир қатор вазифаларни қўяди. Ижтимоий шериклик тамойилларига таянган ҳолда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялашни янада кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, ҳозирданоқ ўз самарасини бермоқда.

Ушбу ўқув-семинарни ташкил қилишдан кўзда тутилган мақсад ҳам аслида шаҳар, туман тармоқ кенгашлари қошидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Хотин-қизлар билан ишлаш Комиссияси тўғрисида»ги Низоми талаблари асосида йўлга қўйиш, иш фаолияти самарадорлигини ошириш, «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг бажарилишида фаол иштирокини таъминлашдан иборатдир.

**МУВАФФАҚИЯТЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА**

Хотин-қизлар саломатлигини яхшилаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган аёлларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш, меҳнатини, ҳуқуқини муҳофаза қилиш, саломатлигини тиклаш, улар ўртасида маданий-маърифий, спорт тадбирларини ўтказиш масалалари минтақавий тармоқ келишувлари, жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларига киритилган бўлиб, уларнинг бажарилиши юзасидан доимий мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Ишлаётган аёлларга меҳнат шароитини яратиш, иш жойларида санитария-гигиена ҳолатларини таъминлаш аҳволини мунтазам назорат қилиб бориш, уларнинг қонун талабларига жавоб беришига эришиш борасида касаба уюшма фаолларидан иборат жамоатчилик назорати йўлга қўйилди.

Хотин-қизлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолларнинг олдини олиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга кўмаклашиш мақсадида тегишли қонунлар, меъёрий ҳужжатлар, жамоа келишувлари ва шартномалари асосида хотин-қизларга берилган кафолат ва имтиёзларнинг амалдаги ижроси назоратга олинди.

Ишлаётган, айниқса кам таъминланган, кўп болали ёлғиз, 16 ёшгача ногирон болалари бўлган аёлларни ҳамда уларнинг фарзандларини касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда, корхона ва ташкилотларга тегишли оромгоҳларда имтиёзли соғломлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси ўртасида тузилган минтақавий келишувда ёш болали аёлларни, боқувчисини йўқотган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнатини, ҳуқуқини ҳимоя қилиш, саломатлигини тиклаш, маданий-маърифий, спорт тадбирлари уюштириш юзасидан тадбирлар белгиланиб, тўлақонли бажарилиши йўлга қўйилди.

— 2014 йилнинг биринчи чораги давомида ижтимоий шериклик тамойиллари асосида 1066 дан зиёд кам таъминланган оила вакилларига 34 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача тўлгунга қадар бола тарбиясида машғул 65 нафар ёш оналарга 10 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам берилди. Олий ўқув юртида таҳсил олаётган бир нафар талабанинг 3 миллион 700 сўмлик контракт пуллари корхона ҳисобидан тўланди, 8 нафар ишчи-хизматчига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланадиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 173 миллион сўмлик фоизсиз ссудалар берилди, ходимлар фарзандларига чет тилларини ўрганиш учун 2 нафар оилага 800 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Н.Полвонова.

Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси иш режасига мувофиқ, комиссия томонидан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари тасарруфидаги Боғот ва Ҳазорасп туманидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётган аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ўрганилди. Кенгайтирилган йиғилишда ўрганиш натижалари таҳлил қилинди. Хусусан, Хазорасп туман ободонлаштириш бошқармасида жамоа шартномаси орқали 2013 йилда ҳар бир ходимга иш ҳақига муайян миқдорда қўшимчалар берилган. Уч ва ундан ортиқ фарзанди бор 16 нафар аёлга 800 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Эҳтиёжманд аёлларга бир миллион сўмликдан зиёд моддий кўмак ажратилган. Бироқ, Ҳазорасп туман маиший хизмат ва тадбиркорлик коллежида, Боғот туман енгил саноат касб-ҳунар коллежида хотин-қизлар жамоа шартномалари орқали ижтимоий-иқтисодий ҳимоя билан тўла қамраб олинмаган. Йиғилишда шу каби ютуқ ва камчиликлар атрофлича таҳлил қилиниб, муваффақиятларни мустаҳкамлаган ҳолда, камчиликларни зудлик билан бартараф қилиш зарурлигига эътибор қаратилди.

**ЭЪТИРОФ ВА ТАКЛИФЛАР**

Тадбирларнинг Боғотда ўтказилганлиги бежиз эмас. Боғот намунали туман ҳисобланиб, касаба уюшмалари фаолиятини низом талаблари асосида йўлга қўйиш борасида барча тармоқларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. «Боғоттекстил» корхонасида ходимлар, хусусан, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан қатор чора-тадбирлар кўрилган.

Корхонада 576 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатиб, уларнинг 80 фоизини аёллар ташкил қилади. 2014-2016 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасига «Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар», «Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бўлимлари киритилган. Улар асосида корхонада ишлаётган аёлларга қулай меҳнат шароитлари яратилган. Маънавият, дам олиш, гигиена хоналари, ошхона ишлаб турибди. Ходимларнинг таътилга чиқиш жадваллари тасдиқланган. Ойлик маошлари вақтида бериб борилмоқда.

Фарзанди биринчи синфга борадиган ҳар бир аёлга республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш анъанага айланган.

Корхонада ишлайдиган барча аёллар махсус кийим-бош билан таъминланган. Сут, қатиқ маҳсулотлари бериб борилмоқда. Аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида бепул тиббий кўриклар ташкил қилинган. Аёлларни спортга жалб қилиш, улар ўртасида турли спорт мусобақалари ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**КУН ТАРТИБИДА — САЛОМАТЛИК МАСАЛАСИ**

Ўқув-семинарда хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш чораларини янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. «Хотин-қизлар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни камол топтириш ва уларнинг тиббий маданиятини юксалтиришда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорлик самараси» юзасидан маъруза қилган вилоят «Она ва бола» скрининг маркази бош врачи Гулнора Сапарбоева бу борада вилоятда амалга оширилаётган ишлар хусусида кенг тўхталди.

— 2014 йилнинг Соғлом бола йили деб номланиши ва Давлат дастурининг қабул қилиниши шифокорлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Зеро, халқимиз ўз орзу-умидларини, Ватанимиз келажагини соғлом фарзандлар камолида кўради. Бу эса бир жиҳатдан биз кўрсатаётган тиббий хизмат сифатига ҳам боғлиқ. Бугунги кунда вилоятда 473 минг нафардан зиёд туғиш ёшидаги аёллар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг барчаси ҳар йили чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Шунингдек, 18 ёшгача бўлган 558 минг нафарга яқин болалар чуқур тиббий текширилиб, аниқланган хасталикларни бартараф этиш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Албатта, оналик ва болалик муҳофазаси билан боғлиқ тадбирларимиз бу билан чегараланиб қолмайди. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Дунёга келаётган ҳар бир фарзанд шифокор назоратида. Замон талаблари даражасида таъмирланган вилоят Перинатал маркази ҳамда ТТБларга қарашли туғруқ мажмуалари, вилоят «Она ва бола» скрининг марказидаги қулай шароит ва кенг имкониятлар фарзандларнинг соғлом туғилишида муҳим аҳамият касб этмоқда, — деди Г. Сапарбоева.

Маърузачи, шунингдек, қариндошлар ўртасида ва эрта никоҳнинг салбий оқибатлари хусусида тўхталиб, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришда касаба уюшмалари, жумладан, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси томонидан уюштирилаётган давра суҳбатлари муҳим аҳамият касб этаётганлигини эътироф қилди.

«Аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзи маданиятини ривожлантириш» мавзусида маъруза қилган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими раиси Наргиза Шарипова аёл соғлом турмуш тарзига риоя қилсагина, оилада соғлом муҳит ҳукмронлик қилишини таъкидлади. Шу куни хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси илтимосига биноан, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими мутахассислари «Боғот текстил» корхонасида меҳнат қилувчи аёлларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказдилар. Қолаверса, аёлларга поливитамин туркумлари ва бошқа биологик фаол қўшимчалар туҳфа қилинди.

Ўқув-семинарда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси И.Юсупова «Шаҳар, туман тармоқ касаба уюшма кенгашлари қошидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг иш юритиш фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида», меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўлими мудири Н.Полвонова «Жамоа шартномаларида «Аёллар меҳнатини тартибга солиш. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар», вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бош мутахассиси А.Маҳмудова «Янги иш ўринлари ташкил қилиш, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда аёлларга берилаётган кафолат ва имтиёзлар», ЎзХДП вилоят кенгаши бўлим мудири Н.Одамбоева «Хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатини таъминлашда, сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришда ижтимоий шериклининг аҳамияти» хусусида маъруза қилдилар.

Ўқув-семинар баҳс-мунозараларга, савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Хайрия ҳафталиги

# Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!

***«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Республика Халқ таълими, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Тошкент вилояти ва пойтахт ҳокимликлари, «Сен ёлғиз эмассан» болалар жамоатчилик жамғармаси билан ҳамкорликда кўнгилочар марказлардан бири бўлмиш «Тошкент-Ленд» болалар истироҳат боғида хайрия тадбири ўтказди. Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари тизимида ўз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган темирйўлчи оилалар фарзандлари, республика болалар форуми иштирокчиларидан иборат 1300 нафарга яқин ўғил-қизлар кўнгилочар аттракционлар хизматидан бепул фойдаланишди.***

— Фондимиз истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ота-онасиз болаларга меҳр кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, — деди фонднинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Жумабек Нуров. — 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» шиори остидаги махсус ҳафталик давомида қатор тадбирларни амалга оширишни режалаштирганмиз. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бўлиб, нафақат байрам арафасида, балки кейинчалик ҳам давом эттирилади. Бугунги хайрия акциясида ҳам болажонлар маза қилиб ҳордиқ чиқаришаётир.

— Истироҳат боғига ташрифдан кичкинтойлар олам-олам завқ олишди, — дейди Олмазор туманидаги 24-«Меҳрибонлик» уйи тарбиячиси Озода Пўлатова. — Уларнинг юзидаги қувончни айтмайсизми?! Юртимизда болажонлар учун яратилган шароитлардан қалбим фахрга тўлади. Бу каби тадбирлар ташкилотчиларига раҳматлар айтаман.

— Боғдаги шароитлар бизга жуда ёқди, — деди Сирдарё вилояти «Болалар шаҳарчаси» тарбияланувчиси Дониёр Алимов. — Боғни томоша қилдик. Тенгқурларим билан турли аттракционларда учдик. Хурсандчилигимиз чексиз.

— Бу онлар ҳеч қачон эсимдан чиқмаса керак, — деди Юнусобод туманидаги 21-«Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиси Робия Нуржонова.

Тадбирда Учтепа тумани 38-умумтаълим мактаби қошидаги «Ором» ашула ва рақс дастаси жажжи қизалоқларининг чиқишлари барчани хушнуд этди.

**Салим АБДУРАХМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**
**Наврўз НОРБОБОЕВ**
**олган сурат**

## Конференция

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида «Таълим жараёни ва касбий фаолиятда ахборот-коммуникация технологиялари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

— Бугунги конференцияни ўтказишдан асосий мақсад — курсант ва тингловчиларни илмий-тадқиқот ишларига кенгроқ жалб қилиш, тажриба алмашиш, сифатли таълим ва тарбия бериш, уларнинг нутқ маданияти, онгини шакллантиришдир, — деди

# Билим ва амалиёт уйғунлиги

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХОТМ бошлиғи, генерал-майор Абдулла Қўлдошев. — Таълим жараёни ва касбий фаолиятда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали курсант ва тингловчилар томонидан бажарилган илмий тадқиқот ишлари билан танишиш, муҳокама қилиш, илмий-тадқиқот ишларини фаоллаштириш ва мувофиқлаштиришга эришиш мумкин.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ушбу соҳадаги жадал ривожланиш Ўзбекистоннинг глобал ахборот ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Зеро, ҳозирги кунда ўтаётган вақтдан унумли фойдаланиш, замондан орқада қолмаслик учун дадил ҳаракат қилиш, мукаммал билим олиб, ўқиб-изланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўрганиш орқали мақсадга эришиш мумкин.

**Нигора САТТОРОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

## Саховат

***Бирор байрам йўқки, касаба уюшмаларининг раҳнамолиги сезилмаётган бўлса. Соғлом бола йилининг илк чораги давомида кам таъминланган оилалар фарзандларидан 12 нафарига ёрдам пуллари туҳфа қилинди.***

# Кўмакка шаймиз

Шаҳардаги «Шодлик» «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиларининг ҳар бирига 8 турдаги ўқув қуроллари жамланмаси тарқатилди. Хотира ва қадрлаш куни арафасида меҳнат ва уруш фахрийларига озиқ-овқат жамланмалари, 10 нафарига эса ёрдам пуллари етказиб берилди. 76 нафар кўмакка муҳтож соҳа ходимларига жами 3850 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Гавҳар Холбоева, Нозик Норқулова, Феруза Шаймурзина, Латофат Наимова сингари қатор етакчиларнинг ютуқлари эътирофга лойиқ. «Энг яхши фан ўқитувчиси», «Билимлар беллашуви», «Фан олимпиадалари»да шаҳримиз ўқувчилари фаол қатнашиб, нафақат вилоят, балки республика босқичларида қатнашмоқда. Уларни рағбатлантириш мақсадида касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 2.750 минг сўм ажратилди.

Кам таъминланган оила дилбандларидан 150 нафарининг мактаболди оромгоҳларида кўнгилли дам олишини ташкил этаётирмиз. Аксарият болалар эса шаҳардаги «Золотенко» оромгоҳида соғломлаштирилади.

**Хосият БЕРДИЕВА,**
**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зарафшон шаҳар кенгаши раиси**

# XALQ BANKI



# Тадбиркорга мададкор

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш тижорат банкларининг устувор вазифалари сирасига киради. Чунки, айнан ушбу тармоқ бозор иқтисодиёти шароитида соҳани барқарорлаштирувчи, ички бозорни тўкис қилувчи ва меҳнат ресурсларини шакллантирувчи хусусияти билан жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади. Шу боис, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, Давлат тижорат «Халқ банки» томонидан қаратилаётган улкан эътибор туфайли ишлаб чиқариш субъектлари сони кўпайиб, янги корхоналар ишга туширилмоқда.

**Зилола ИСОЕВА,**
**«Исоева Зилола Аскаровна» якка тартибдаги тадбиркор (Қорақўл тумани):**

— Юртимизда нафақат иқтисодиётни ривожлантириш, балки аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бугун вилоятимиздаги хоҳлаган тижорат банкига боринг, мижозларга кўзингиз тушади. Банкларда тадбиркорлар хонаси ташкил этилган бўлиб, барча шароитлар яратилган.

Тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида «Халқ банки»нинг Қорақўл тумани филиалига бизнес лойиҳамни тақдим этдим. Бизнес лойиҳам маъқуллангач, менга банк томонидан 30 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди.

Фаолиятимизни йўлга қўйиш натижасида бир неча киши ишли бўлди. Ҳозирда туманимиз аҳолисига маиший хизмат кўрсатиб келмоқдамиз.

**Рустам АЙМЕТОВ,**
**«Гулшанабону Шарифа» МЧЖ раҳбари (Бухоро тумани):**

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилди. Бу эса ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад — фаровонликка хизмат қилмоқда.

Ёшликдан тикиш-бичишга иштиёқим баланд. Ҳунаримни бошқаларга ўргатиш, ўз тадбиркорлигимни йўлга қўйишни дилга тугиб, «Халқ банки»нинг Бухоро тумани филиалига лойиҳамни тақдим этдим. Қисқа вақт ичида менга 60 млн. сўм кредит маблағи ажратилди.

Берилган кредит маблағи эвазига каштачилик цехини очдим. Бугун бу ерда 5 нафар ёш меҳнат қилмоқда.

Маҳсулотларимиз харидоргир. Сабаби, улар айнан мижозларимиз талаб ва истакларига мослаб ишлаб чиқарилаётир.

Банкларнинг кредитидан самарали фойдаланиш юксалишга олиб келишини ўз тажрибамда кўрдим. Интилганга толе ёр, деб бежиз айтишмаган экан. Банклар билан тадбиркор ҳамкорлиги халқимизнинг фаровонлигига хизмат қилаётганидан жуда хурсандман.

**Гулҳаё ҚОДИРОВА,**
**коллеж битирувчиси (Вобкент тумани):**

— Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини, жумладан, асаларичиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ва бу соҳа қишлоқ хўжалигининг сердаромад тармоқларидан бирига айланяпти.

Асални минг дардга даво, дейишади. Унинг шифобахшлигини улуғ аллома Ибн Сино ҳам ўз асарларида қайд этиб ўтган. Албатта, иш бошлашим учун менга молиявий кўмак керак эди. Шу сабабдан бизнес лойиҳа тузиб «Халқ банки»нинг Вобкент туман филиалига мурожаат қилдим. Банк мутахассислари лойиҳамни қўллаб-қувватлаб, менга зарур бўлган 25 млн. сўм миқдорида кредит маблағини ажратдилар.

Келгусида асал маҳсулотларини чиройли ва бежирим идишларда қадоқлаш, уларни нафақат ички бозорларимизга етказиб бериш, балки экспорт қилишни ҳам режалаштирганмиз. Бу эса катта миқдорда фойда олиш, кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

**Малика АБДУЛЛАЕВА,**
**«Абдуллаева Малика Ориповна» хусусий корхонаси раҳбари (Самарқанд шаҳри):**

— Президентимиз томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли юртимиз обод ва турмушимиз фаровон бўлиб, халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати тубдан ўзгармоқда, эртанги кунга, ўз кучи ва имкониятларига ишончи мустаҳкамланиб бораётир. Бутун мамлакатимизда бўлгани каби шаҳримиз иқтисодиётида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, улкан ютуқ ва муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

Маҳалламиз шаҳар марказига яқин жойлашгани учун бошқа ҳудудларга нисбатан аҳолиси зич. Табиийки, бу ерда ишга бўлган талаб ҳам катта. Шуларни ўрганган ҳолда маҳаллий ёшларга ҳунар ўргатиш ва уларни иш билан таъминлаш мақсадида тикувчилик цехини очишга киришдим.

Ишни бошлашдан аввал пухта режа тузиш лозим эди. Шу боис ўз бизнес лойиҳамни ишлаб чиқдим ва «Халқ банки»нинг Самарқанд шаҳар филиалига тақдим этдим. Кўп вақт ўтмай менга банк томонидан 35 млн. сўм кредит маблағи ажратилди. Олинган кредит эвазига миллий кийим-кечаклар тикиш учун замонавий тикув дастгоҳларини сотиб олдим.

Лойиҳани амалга оширганимиздан сўнг, маҳаллий қизларни ишга таклиф қилдик. Келгусида маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини янада оширишни режалаштирганмиз.

Ҳозир бозорларда маҳсулотимизга талаб катта. Эндиликда банкнинг молиявий кўмагида ишлаб чиқариш турини кўпайтириш ҳаракатидамиз.

**Банк матбуот хизмати**

ЎзА суратлари

Реклама ўрнида

# O'ZSANOATQURILISHBANK

***Юртимизда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини самарали амалга оширишга қулай шарт-шароитларни яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ушбу соҳага қаратилаётган кенг эътибор ўзининг ижобий натижасини бераётир.***

# Мақсад — эл-юрт фаровонлиги

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш банк кредит сиёсатининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Жумладан, 2013 йилда банк томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга жами 493,9 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган бўлиб, уларнинг салмоғи ўтган йилга нисбатан 1,3 баробарга ошган.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Сурхондарё минтақавий филиали томонидан кичик бизнес субъектларига кредитлар ажратишга алоҳида эътибор берилмоқда. 2013 йилда жами 24.4 миллиард сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Ушбу маблағлар ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар қаторига «Абрайкул-Хидир», «Сариосиё Сабзавот», «Шоҳрух» ва бошқа фермер хўжаликларига мевали боғлар ташкил этишга, «Хонжиза савдо сервис» МЧЖга меваларни сақлаш учун совутгичли омборхоналар қуришга, «NOVA PHARM» қўшма корхонасида дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, шунингдек, қурилиш моллари ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга кредитлар ажратилиб, шу орқали 750 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Жорий йилда 32 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиши режалаштирилган бўлиб, шу маблағлар ҳисобига 800 га яқин янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган.

Сурхондарё вилоятида кичик бизнес субъектларига яратилаётган шарт-шароитлар ва уларга берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган корхоналардан бири Узун тумани Янги шаҳар қишлоғида фаолият юритаётган «Kavsar Madad» хусусий корхонасидир. Корхона раҳбари пухта ишлаб чиқилган бизнес режа асосида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Сурхондарё минтақавий филиали томонидан пишиқ ғишт, дурадгорлик маҳсулотлари, блок ғиштлар, брусчаткалар ва бошқа турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун кредит маблағи ажратилган эди.

— Банкдан олган имтиёзли кредит ҳисобига корхонамизнинг ишлаб чиқариш қуввати ўсди. Шу билан бирга, корхонамизнинг даромади ортиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз сифати ошиб бормоқда. Корхонамиз ишга тушгач, 20 кишини сафимизга қўшдик. Бунда, албатта, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ҳиссаси катта. Банк томонидан юқори савияда кўрсатилаётган молиявий хизматлардан жуда мамнунмиз, — дейди корхона раҳбари Зулайҳо Бегова.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида яратилаётган имтиёзлардан фойдаланаётган субъектлар қаторига «Шифо» кўп тармоқли хусусий корхонасини ҳам қўшиш мумкин. Ушбу корхона бугунги кунда ўз бизнесини тўғри ташкил этиб, юқори натижаларга эришиб келмоқда.

— Аҳоли саломатлигини яхшилаш, уларга замонавий ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш каби эзгу ниятлар билан клиника очган эдик, — дейди «Шифо» кўп тармоқли хусусий корхонаси раҳбари Мақсуд Аминов. — Бугунги кунда шифо масканимизда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш билан бирга, уларга бепул тиббий маслаҳатлар беришни йўлга қўйганмиз. Клиникамиз фаолиятини кенгайтириш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Сурхондарё минтақавий филиалидан ўтган йилида ултратовушли (УЗИ) ва электрокардиография ҳамда тиббиёт асбоб-ускуналари сотиб олиш учун имтиёзли кредит олгандик. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 20 нафар ходимни иш билан таъминлашга эришдик. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Жорий йилда «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Сурхондарё минтақавий филиали томонидан Термиз иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ҳамда Қумқўрғон иқтисодиёт ва транспорт касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, шунингдек, талабаларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги бизнес ғоялари асосида «Ёш тадбиркор — юртга мададкор!» шиори остида танлов ўтказилди. Унда талабалар ўз бизнес ғоялари билан қатнашдилар. Якуний босқичда ғолибларга қимматбаҳо совғалар ва имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи диплом топширилди.

— «Ёш тадбиркор — юртга мададкор!» танловида аҳоли ва ташкилотларга сифатли уруғлик кўчатлар етиштириб беришда муқобил энергия ҳисобига ишловчи иссиқхона ташкил қилиш бизнес ғоям билан иштирок этдим ва 1-ўринни эгалладим. Бундан жуда хурсандман. Келгусида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчиман, — дейди Қумқўрғон иқтисодиёт ва транспорт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Ҳожиакбар Жайловов.

Лойиҳанинг яна бир ғолиби Термиз иқтисодиёт коллежи «Банк иши» йўналиши талабаси Исломбек Сафаров. У танловда компютерларни таъмирлаш ва дастурлаш бизнес лойиҳаси билан қатнашиб, биринчи ўринни қўлга киритди. У ҳам ўз бизнес лойиҳаси бўйича тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятида.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Сурхондарё минтақавий филиали томонидан коллеж битирувчиларга 2013 йилда жами 185 миллион сўм кредит маблағлари ажратилган бўлиб, 2014 йилда 450 миллион сўм миқдорида, яъни ўтган йилга нисбатан 2.4 баробардан зиёд кредит маблағлари ажратилиши режалаштирилган.

**Мафтуна АҲМЕДОВА**

**МЧЖ шаклидаги «Сурхондарё Ким ошди савдо» корхонаси навбатдаги «Ким ошди» савдосини Термиз шаҳар, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хонада 2014 йилнинг 1,2,18 июл кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказади. Ушбу «Ким ошди» савдосида Сурхондарё вилоят Хўжалик судининг 16.07.2013 йилдаги № 19-1302/5359 сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган, кредиторларнинг 13.04.2014 йилдаги № 4-сонли йиғилиш баённига асосан, Шўрчи туманидаги «Раҳматулла Абсаматович» фермер хўжалигига тегишли қуйидаги автомототранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:**

1. ТТЗ-80-11 русумли, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, 94-08 СМ давлат белгили, техник носоз ҳолатдаги трактор. Бошланғич баҳоси — 1 010 000 сўм.

2. ГБАСПГ «Нексия СОНС» русумли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, 75/403 ВАА давлат белгили, техник носоз ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси — 5 202 000 сўм.

Ким ошди савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар МЧЖ шаклидаги «Сурхондарё Ким ошди савдо» корхонаси билан закалат шартномасини расмийлаштириб, ОАТ Ҳамкорбанкдаги ҳ/р: 20208000104531008004, МФО:01001, ИНН:206710579 га сотилаётган автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси 2-қават, 10-хона. Тел/факс: 8-376-223-07-96. Гувоҳнома № 719.**

**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!**

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

**I. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 62-уй манзилида жойлашган Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги (Собиқ Фан ва технологиялари марказининг) бино ва иншоотлар.**

**Бошланғич нархи — 5 212 556 466 сўм.**

**Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 2609 кв.м**

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

**II. Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Саракул 2-тор кўчаси, 34-уй манзилида жойлашган, Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлар.**

**Бошланғич нархи — 4 471 629 100 сўм**

**Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 2722 кв.м**

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

**III. Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бешчинор кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Биноларидан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги 2-қаватли бино ертўласи билан.**

**Бошланғич нархи — 2 631 262 293 сўм**

**Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 1044 кв.м**

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Биноларидан фойдаланиш департаменти.

Фаолият ихтисоси: Биноларидан фойдаланиш.

**IV. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, 13-«А» уй манзилида жойлашган, Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги 2-қаватли бинонинг ертўласи (гараж қисми).**

**Бошланғич нархи — 6 279 714 678 сўм.**

**Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 3210 кв.м**

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

**V. Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 18-уй манзилида жойлашган, Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги офис ва савдо дўкони мажмуаси.**

**Бошланғич нархи — 12 055 852 700 сўм.**

**Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 3640 кв.м**

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

**Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.**

**VI. Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 16-уй манзилида жойлашган, Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги автомобилларга хизмат кўрсатиш мулкий мажмуаси.**

**Бошланғич нархи — 5 204 008 000 сўм.**

**Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 2168 кв.м**

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, - Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел/факс (8-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

**Аукцион савдоси 2014 йил 30 июн куни соат 11:00 да** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 14, 28 июл ва 11 август кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 228-84-48. Факс: (8-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

**Савдоларга марҳамат қилинг!**
**Хизматлар лицензияланган.**

# Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 29-may № 65 (3414)

## Мактабгача таълим муассасаларида

***Туманимиздаги «Бойчечак» номли 1-мактабгача таълим муассасасида 145 нафар кичкинтой тарбияланади. 10 нафар педагог-тарбиячи уларни мактабга тайёрламоқда.***

# УМИД ЧЕЧАКЛАРИ

Мақсуда Алиқулова раҳбарлигидаги «Ғунча» номли гуруҳ тарбияланувчилари ўртасида «Севимли ўйинчоқлар», рақс ва спорт тўгараклари яхши йўлга қўйилган. Малакали педагог Муқаддас Қоратоева етакчилигидаги «Нилуфар» гуруҳи ўғил-қизлари тез-тез турли мусобақалар ўтказиб туришади. Улар ўтган йили «Билимдонлар синови»нинг вилоят босқичида фахрли ўринни эгаллашди.

Гуруҳларда чиқарилаётган деворий газеталарга кичкинтойларнинг ёши ва қизиқишига қараб ном танлаганмиз. Уларда турли тадбирлар тўғрисида хабарлар, ханда ва бошқа қизиқарли материаллар бериб борилмоқда.

Болажонларнинг тасвирий санъат, рақс ва спортга қизиқиши баланд. Расм чизиш бўйича «Эртаклар — яхшиликка етаклар», «Тенгдошларинг ижоди» кўрик-танловлари, китоб ярмаркаси ташкил этилаётгани уларни қувонтиряпти.

Ҳар бир юртнинг эртаси, келажаги унда камол топиб, вояга етаётган ёш авлод онгишуури билан белгиланади. Уларни ҳар томонлама етук ва соғлом этиб тарбиялаш зиммамиздаги юксак вазифадир.

**Муҳтарама ТОШМУРОДОВА,**
**Ғаллаорол туманидаги 1-МТМ бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси, Халқ таълими аълочиси**

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

### МУСОБАҚАЛАРДА МУНОСИБЛАР САРАЛАНАДИ

Эслаш ўринлики, мамлакатимиз академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари республика финал босқичи илк маротаба 2001 йил 30 апрел — 7 май кунлари Жиззахда ўтказилган эди. Шундан сўнг, мазкур ўзига хос «Кичик олимпиада»га Андижон, Чирчиқ, Нукус ва Термиз шаҳарлари муносиб мезбонлик қилди.

«Баркамол авлод» спорт беллашувларини ўтказиш тартиби ҳам тобора такомиллашиб бормоқда. 2005 йилдан олимпия захиралари спорт коллежларининг ўқувчилари ҳам мазкур мусобақа иштирокчилари сафига қўшилди. Илк бор Жиззахда ўтган «Баркамол авлод» мусобақаларида ўсмирлар спортнинг 7 тури — футбол, волейбол, баскетбол, кураш, теннис, сузиш, енгил атлетика бўйича куч синашган эди. Шундан буён мусобақа регламентига бир қатор ўзгартишлар киритилди. 2011 йили Термизда спортнинг 12 тури бўйича мусобақалар ўтган бўлса, жорий йил Наманганда ўн олти спорт тури бўйича баҳслашилади.

«Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари Наманганда 29 — 31 май кунлари ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 265-сонли йиғилиши баёнига мувофиқ «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларининг республика финал босқичида спортнинг 16 тури бўйича 654 нафар ўғил бола, 342 нафар қиз жами 996 нафар спортчи иштирок этади. Шунингдек, 224 нафар мураббий, 180 нафар ҳакам, 15 нафар спорт федерацияси вакиллари ўйинларда қатнашади.

Спорт мусобақалари иштирокчиларининг яшаши, маиший-маданий ва зарур сервис хизматларидан тўлақонли фойдаланишлари учун барча шароитлар ҳозирланди.

# МЕҲМОНДЎСТ НАМАНГАН СПОРТЧИЛАРГА ҚУЧОҚ ОЧДИ

Наманган шаҳридаги бешта объектда спортнинг 16 тури бўйича беллашувлар бўлиб ўтади. Жумладан, Наманган Олимпия захиралари коллежида баскетбол, «Дўстлик» теннис кортида теннис, стол тенниси, бадиий гимнастика, «Баркамол авлод» спорт мажмуасида енгил атлетика, гандбол, оғир атлетика, футбол, шахмат, сузиш, Наманган муҳандислик-педагогика институти спорт залида волейбол, Олий спорт маҳорати мактабида дзюдо, юнон-рум кураши, эркин кураш, бокс, таэквондо (WTF) бўйича баҳслар ўтказилади.

Тадбирнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларини «Навбаҳор» марказий стадионида ўтказиш белгиланган.

Спортчилар учун вилоят марказининг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилади, барча туманларда таниқли спортчи, ижодкор ва санъаткорлар иштирокида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, «Камолот» ёшлар боғи, «Кичкинтой» боғида таниқли хонандалар, актёрлар, адиблар, спортчилар билан учрашувлар ўтказилади. «Истиқлол», «Ифтихор кийим саноат» сингари замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан танишиш имконияти ҳам бўлади.

Мусобақа кунлари жойларда «Ўзбеккино» Миллий агентлиги вилоят бўлими томонидан ҳужжатли ва бадиий филмлар, Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида спектакллар намойиш этилади. Боғлар ва хиёбонлардаги маданий тадбирларда фолклор-этнографик жамоалар, ашула ва рақс ансамбллари, эстрада гуруҳлари хизматда бўлади.

Мусобақа қатнашчилари 208 та олтин, 208 та кумуш ва 236 та бронза медали учун кураш олиб боради.

Жамоавий спорт турлари бўйича ғолибларга олтин медал, диплом ҳамда компютер жамланмалари топширилади.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

***Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида Андижон шаҳридаги 7-умумтаълим мактабида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.***

# УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

566 нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётган мактабда чет тили дарслари интерфаол усуллар, видеопроекторлар, замонавий ахборот технологиялари, кўргазмали воситалар ёрдамида олиб борилади. Таълим масканидаги замонавий фан, компютер хоналари, спорт зали, кутубхона ўқувчиларнинг пухта билим олишига хизмат қилмоқда.

***Суратда:*** *ўқитувчи Хадичахон Азизова ўқувчилар билан.*

**Зуҳриддин УМРЗОҚОВ (ЎзА) олган сурат**

## Таэквондо

***Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида таэквондо (WTF) бўйича XXI ҳамда таэквондонинг «Пумсе» йўналиши бўйича III Осиё чемпионатлари ўтказилди.***

# ВАКИЛЛАРИМИЗ – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

Осиё таэквондо иттифоқи, Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур нуфузли мусобақаларда қитъанинг 34 давлатидан 400 нафарга яқин таэквондо усталари ғолиблик учун баҳс юритди.

Мусобақаларнинг биринчи куни «Пумсе» йўналиши бўйича мусобақалар ўтказилиб, дастлабки ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

Ўсмирлар ўртасидаги жуфтлик баҳсида Антон Кан ва Марина Ким Осиё чемпиони бўлди. Фахрийлар ўртасидаги баҳсда иштирок этган яна бир спортчимиз Борис Ким ва катталар ўртасида Баҳодир Аловхонов бронза медал билан тақдирланди. Терма жамоамизнинг яна бир аъзоси — Никита Рафалович оғирлик вазни 74 кг.гача бўлган спортчилар мусобақасида қатарлик Аҳмад Саади ҳамда филиппинлик Самуэл Моррисонни мағлуб этиб, бронза медал соҳибига айланди.

Осиё чемпионатида Жанубий Корея вакиллари Таехун Ким, Даехун Ли, Жонг Хун Вон, эронлик Фарзан Ашурзода Фаллаҳ, Беҳнам Асбағҳихангаҳ, хотин-қизлар ўртасида таиландлик Панипак Вонгпаттанакит ва Жанубий кореялик Да Хви Ким, Жёнг Ён Юн, А Реюм Ли ва Хитой Тайпейи вакиласи Чиа Чиа Чуанг олтин медал билан тақдирланди.

XXI Осиё чемпионатида ҳар бир вазнда 1-6 ўринларни эгаллаган спортчилар 2016 йил Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларига дастлабки рейтинг очколарини қўлга киритди.

Таэквондо (WTF) бўйича XXI Осиё чемпионатида учтадан олтин ва бронза медални қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари умумжамоа ҳисобида кучли учликдан жой олди.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**ЎзА суратлари**

## Биз эккан ниҳоллар

***Ҳеч эътибор қилганмисиз, гоҳо болакай уйига мактабдан одатдагидан бошқачароқ бўлиб қайтади. Бу фақат «аъло» баҳо олгани учун деб ўйласангиз адашасиз. Аслида у бир онахоннинг юкини манзилигача кўтаришиб бориб, «Балли, одамлар корига ярайдиган катта йигит бўлиб қолибсан», деган мақтовини эшитганидан мамнун.***

# ЭЗГУЛИКДАН ЭЗГУЛИК УНАР

Ҳа, инсонда кимгадир наф келтириб яшаш ҳисси болаликдан шаклланади.

Наманган шаҳридаги тадбирда кўргазмага қўйилган маҳалла ҳунармандларининг маҳсулотларини кўздан кечирар эканмиз, 15-19 ёшли йигитчаларни сўроққа тутаётган киши эътиборимизни тортди.

— Болаларим, бу маҳсулотларни қаердан олиб келдинглар?

— «Сумалак гузари» маҳалласидан.

— Адашмасам, булар Маҳмуджон устанинг ишлари. У киши ясаган мана шунақа пичоқлардан илгари дўстёрларга совға учун кўп маротаба харид қилганман.

— Тўғрику-я, лекин бу пичоқларни ўзимиз ясаганмиз...

— Қўйсангиз-чи, ахир ҳаммаси устанинг иши эканлиги шундоқ кўриниб турибди-ку?! Қолаверса, Маҳмуджон уста даражасидаги буюм ясай олишнинг ўзимас, ёлғон гапирманглар.

— Маҳмуджон уста бизнинг бобомиз бўлади.

Бир гал Наманган шаҳридаги «Сумалак гузари»га борганимизда ёшларнинг гапи нечоғли тўғрилигига ишонч ҳосил қилдик. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчи опа нафақат оиласи, балки маҳалладошлари корига яраб, янги иш ўрни яратаётган ёшлар ҳақида гапириб, бир хонадонга олиб боришди. Билсак, бу ўша кўргазмадаги ёш ҳунармандларнинг хонадони экан. Гапнинг рости, баъзи ёшлар сингари бўш вақтини компютердаги бемаъни ўйин ёки кўчада бемақсад тентирашга сарфлашдан кўра, бобомерос ҳунарни эъзозлаётган сулола давомчиларининг ибрат олса арзигулик ишларига ҳавасимиз келди.

— Раҳматли бобомиз чиндан ҳам қўлигул пичоқчи сифатида элга танилган эди, — дейди тўнғич набира Қобилжон Турсунбоев. — У кишининг ота-боболари ҳам шу ҳунар билан ном чиқаришган. Бобом беш фарзандининг ҳаммаси қиз бўлсада, ҳунаримнинг давомчилари йўқ, деб армон билан ўтмадилар. Чунки биз набиралар шу ҳунарга астойдил бел боғлаганимиздан мамнун бўлиб, дунёдан кўз юмди.

Мактаб ва коллеждаги ўқишларимдан бўшаган вақтларимни бобом ёнида ҳунар сирларини эгаллаш билан ўтказардим. Шу боис Наманган шаҳридаги савдо ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежини тамомладим-у ҳеч иккиланмасдан шу ҳунар билан шуғулланишга астойдил бел боғладим. Укам Оқилжон ва холамнинг ўғли Ривожиддинни ҳам ёнимга олдим. Укам метални кесиш, чўққа солиш ва уриб пишитишда ёрдам берса, Ривожиддинда пичоқ ва унинг дастасига безак бериш бўйича рассомлик ва дизайнерлик қобилияти кучли.

Ўзига хос услуб ва дизайнга эга маҳсулотларимизни катта-кичик кўргазмаларда, савдо ярмаркаларида намойиш этиб, улар ҳақида илиқ фикрлар эшитганимиз ва харидорлар топганимиз сари ўзимизга нисбатан ишонч мустаҳкамланди. Ҳозир қариндошларим ва маҳалламиздаги ўсмирларга бўш вақтини беҳуда сарфламаслиги учун ҳунар ўргатяпман. Бобом кўпинча: «Бу дунёда кимгадир нафинг тегмаса, яшаганинг бекор, кимгадир кераклигинг эса катта бахт», дерди. Шу гапларнинг мағзини чақканим сайин оиламиз, маҳалладошларим, юртимиз учун янада кўпроқ фойда келтиришга интилавераман. Шукрки, тинчлик ва осойишталик ҳукмрон юртимизда ҳунармандчиликка кенг эътибор қаратилиб, қанча имконият ва шароитлар яратиб берилмоқда. Улар нафақат юртимиз, балки чет эллардаги турли танлов ва кўргазмаларда намойиш этилаётган қўл меҳнатларининг маҳсули билан барчани ҳайратга солишмоқда. Бундай қадр ва эъзоздан ёшлар ҳам четда қолишмаяпти. Қолаверса, миллий ҳунармандчиликнинг қўллаб-қувватланиши оилалар фаровонлигини таъминлаб қолмай, азалий қадриятларимизнинг давом этишига хизмат қиляпти. Мен ҳам ўз ҳунарим орқали Ўзбекистонимиздай келажаги буюк юрт ва халқимизга наф келтириб яшаётганимдан бахтиёрман.

Бир сўз билан айтганда, Қобилжон каби қобилиятли, дунёқараши кенг, вақтнинг қадрини биладиган ёшлар орамизда бисёр. Зеро, юртимиз эртаси мана шундай муносиб ворислар қўлида.

**Шаҳзода АКБАРОВА**

Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**«ИПАК ЙЎЛИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИЯ ТИЖОРАТ БАНКИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Объект номи:

**«Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Қомус кўчасидаги «Ипак йўли» ОАИТБга қарашли Фарғона филиалининг маъмурий биноси қурилиши»**

*Бошланғич нархи* — **3 960 304 744 сўм ҚҚС сиз ва 4 752 365 693 сўм ҚҚС билан.**

*Қурилиш муддати* — **8 ой.**

Қурилиш ишлари: «Ипак Йўли» очиқ акциядорлик инновация тижорат банкининг шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи: «Ипак Йўли» очиқ акциядорлик инновация тижорат банки.

Манзил: Тошкент шаҳар, А.Қодирий кўчаси, 2. Тел: (8-371) 120-00-09, 140-69-00, факс: 140-69-05.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоизи миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

*Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй. Телефон/факс: (373) 244-55-32, 98-276-25-48.*

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй* манзилида ўтказилади.

**Хизматлар лицензияланган.**

«Ishonch» газетасининг 2014 йил 25 январдаги 12(3361)-сонида «UzGazOil» МЧЖга қарашли 101, 103, 108, 110, 111, 112, 114, 117-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари «Universal Realtor» МЧЖ томонидан очиқ аукцион савдоларига чиқарилганлиги тўғрисида билдиришнома берилган эди. «UzGazOil» МЧЖнинг 2014 йил 19 майдаги 00803/28-сонли алоқа хатига асосан ушбу АЁҚШлар аукцион савдосидан олинди.

Реклама ўрнида

Чоткол дарёси бўйида жойлашган

**«КОНСТРУКТОР»**

**Болалар соғломлаштириш оромгоҳи**

йўлланмалар харид қилиш учун талабномалар қабул қилади

Соғломлаштириш мавсуми 15 кунлик 4 сменада ташкил этилади. Йўлланма нархи — 378 минг сўм. Дам олувчилар 5 маҳал овқат билан таъминланади. Турли хил дастурлар ва бассейн болалар ихтиёрида.

**Мавсумнинг бошланиши –13. 06. 2014 й.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Ғалаба 1-уй. Тел: 248-15-01, Факс: 248-10-03, 991-18-21.**



Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: N.Umarova

Bosishga topshirish vaqti -23.40
Topshirildi - 23.50

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 518 | 20737 nusxada bosildi | 1 2 4 5